

---

## Китобхоналик ҳафталиги доирасида Заковат интеллектуал ўйини ўтказилди

Ёшларнинг билим даражаларини янада мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида туманда ўтказилаётган “Китобхоналик ҳафталиги” тадбирлари доирасида Ахборот кутубхона марказида 17, 19, 23, 31, 38 - умумтаълим мактабларининг билимдон ўқувчилари ўртасида Заковат интеллектуал ўйини ўтказилди.

Заковат ўйинида билимдонлар учун 16 та турли мавзуларга оид саволлар ўртага ташланди.

Беллашув натижасига кўра 16 та саволдан 14 тасига тўғри жавоб топган 17-умумтаълим мактабининг билимдон ўқувчиларидан иборат жамоа 1-ўринни қўлга киритдилар.

2023-04-12 23:31:38